

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЛЕНОВ КУЗБЕРГЕН ТЛЕГЕНОВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy ((PhD) on
Economic Sciences**

Каленов Кузберген Тлегенович

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталашни
ривожлантириш йўллари.....3

Каленов Кузберген Тлегенович

Пути развития страхования сельскохозяйственных предприятий29

Kalenov Kuzbergen Tlegenovich

Ways of development of insurance of agricultural enterprises53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....58

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЛЕНОВ КУЗБЕРГЕН ТЛЕГЕНОВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СУҒУРТАЛАШНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Iqt1588, (В2021.1.PhD/Iqt1588) рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бауетдинов Мажит Жанызақович иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Расмий оппонентлар:	Қузиева Наргиза Рамазановна иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Раҳманов Зафаржон Яшинович иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т.Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

С.К.Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юзага келаётган турли глобал хатарларнинг кучайиб бораётганлиги, хусусан, глобал иқлим ўзгариши, халқаро даражадаги иқтисодий инқирозлар, инновацион технологиялар билан боғлиқ хатарлар ҳамда дунё миқёсида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида киберхатарлар суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжни янада оширмакда ва ўз ўрнида, суғурта соҳасини мазкур талаблардан келиб чиққан ҳолда трансформация қилиш заруриятини келтириб чиқармакда. Айниқса, стратегик аҳамиятга эга ва шу билан бирга, хавф даражаси юқори бўлган қишлоқ хўжалигида рискларнинг юз бериши натижасида кўриладиган зарарларни ҳамда юз бериши мумкин бўлган салбий ҳодисаларни суғурталаш талаб этилмакда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти билан боғлиқ рискларни суғурта хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш ва ушбу хизматларнинг самарадорлигини ошириш бўйича доимий изланишлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмакда. Дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалиги суғуртасини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотларнинг кўпчилиги давлат томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган давлат-хусусий шерикчилиги моделларига кирувчи дастурларни илмий асослашга қаратилган. Бу борада амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича шакиллантирилган хулосаларда қишлоқ хўжалигини суғурталашда давлат-хусусий шерикчилиги асосида суғурта фаолиятини йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш орқали ишончли ва арзон суғурта хизматларини йўлга қўйишга эришиш имкони яратилиши асосланган. Давлат томонидан қўллаб-қувватлашга асосланган қишлоқ хўжалиги суғуртаси тизими давлат маблағларини тежаш ёки суғурта компанияларининг даромадини кўпайтиришга эмас, балки барқарор ва ишончли суғурта ҳимояси тизимини яратиш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барқарор ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги муҳим стратегик соҳа ҳисобланиб, ушбу тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 28 фоиздан ортигини ташкил этаётгани, шу билан бирга, Ўзбекистон иқлим шароити кескин ўзгарувчан хусусиятга эга эканлиги ушбу соҳани суғурта хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш зарурлигини асосий вазифалардан бирига айлантирмакда. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги суғуртасини ривожлантириш бўйича: «миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида янги инновацион суғурта маҳсулотларини жорий этиш ва талаб юқори бўлган анъанавий маҳсулотларни

ривожлантириш орқали кўрсатилаётган суғурта хизматлари ҳажмларини, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларнинг белгиланиши қишлоқ хўжалиги суғуртасини ривожлантиришга бағишланган илмий тадқиқот ишларини янада жонлантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 5 апрелдаги ПФ-5464-сон «Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2021 йил 15 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-52-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги 505-сон «Пахта хом ашёси ва бошқа дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 14 декабрдаги 780-сон «Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суғурта ва хусусан, қишлоқ хўжалиги суғуртасини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш хорижий ҳамда ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари: А.Манес², Д.Бланд³,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сонли Қарори.

² Манес А. Основы страхового дела. Сокр. пер. с нем. -М.: Издат. Центр " Анкил" 1992.

³ Бланд Д. Insurance: Principles and Practice, The Chartered Insurance Institute 1993.

М.Е.Кадомцева⁴, М.В.Задорожная⁵, Н.В.Решетникова, О.Хайдельбах⁶, И.А.Чехлыстова⁷ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.М.Қўлдошев⁸, Н.Н.Муродиллаев, И.Бобожонов⁹, А.Ядгаров¹⁰ ва бошқалар томонидан суғуртанинг, хусусан қишлоқ хўжалиги суғуртасининг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган. А.Абдуллаев аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишининг илғор шаклларида бири ҳисобланган фермер хўжаликларининг илмий-назарий асослари¹¹, А.Абдуғаниев қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодиётдаги роли, аҳамияти, унинг самарадорлигини ошириш¹² масалалари буйича илмий изланишлар олиб борганлар. Аммо қишлоқ хўжалиги суғуртасида сезиларли ислоҳотлар амалга оширилган сўнгги ўн йилликда ушбу соҳа мамлакатимизда алоҳида илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу ва юқоридаги ҳолатлар мазкур муаммонинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди.

Диссертация ишининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бердах номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталашни ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалиги суғуртасини ташкил этиш ва амалга оширишнинг назарий асосларини таҳлил қилиш, ушбу суғурта тармоғининг моҳияти ва амалга оширилиш принципларига аниқлик киритиш;

⁴ Кадомцева М.Е. Зарубежный опыт управления инновационным развитием агропродовольственного комплекса на примере США и Канады / М.Е. Кадомцева // Региональные агросистемы: экономика и социология. Ежегодник [Электронный ресурс]. – Саратов, ИАГПРАН. – 2010. № 1. URL: <http://www.iagpran.ru>.

⁵ Задорожная М.В., Решетникова Н.В. Зарубежный опыт управления рисками в агропродовольственном комплексе: роль государства. Региональные агросистемы: экономика и социология. Ежегодник [Электронный ресурс]. – Саратов, ИАГПРАН, 2017. № 1.

⁶ Хайдельбах О. Актуальные аспекты страхования в сельском хозяйстве. Discussion Paper. No 57. 2004.

⁷ Чехлыстова И.А. Управление развитием АПК в условиях риска. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Ставрополь. 2010 г.

⁸ Қўлдошев Қ.М. Қишлоқ хўжалиги суғуртасида ўзаро суғуртани жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари. Тошкент: Иқтисодиёт ва таълим. 2019.-№2, 41-44 б.

⁹ Muradullaev, N. N., Bobojonov, I., Aw-Hassan, A., & Glauben, T. (2015). De mand for crop insurance in Uzbekistan. Paper presented at the IAMO Forum: „Agriculture and Climate Change in Transition Economies“, Halle (Saale), Germany, 17-19.

¹⁰ А.Ядгаров. Суғурта - агросаноат мажмуи корхоналари фаолиятини химоялашнинг муҳим воситасидир.»Бизнес-Эксперт» журнали.Тошкент. 2019 й. № 1

¹¹ А.Абдуллаев, Х.Айбешов, Қ.Рустамов, У.Мустафоев. Фермер хўжалиги иқтисоди. – Т.: Fan va texnologiya, 2006 ., 176 бет.

¹² Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.: Адабиёт жамғармаси. 2007. – 340 б.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги суғуртасининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали унга баҳо бериш, ушбу суғурта тармоғининг ривожланишига тўсиқ бўлаётган ижтимоий-иқтисодий омилларни аниқлаш;

хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги суғуртасининг ҳолати ва хусусиятларини ўрганган ҳолда мамлакатимизга уларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш йўллари аниқлаш;

қишлоқ хўжалигини суғурталаш билан боғлиқ рискларни комплекс баҳолаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг суғурта хизматларига бўлган талабларини ошириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакат қишлоқ хўжалигини ўзаро суғурталаш жамиятлари воситасида суғурталашнинг бизнес-моделини қўллаш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети миллий суғурта бозорида қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш жараёнида юзага келадиган суғуртавий ва молиявий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий - таққослаш, тизимли таҳлил, иқтисодий-математик ва иқтисодий-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлажак ҳосилини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта мукофотларининг 20 фоизини бюджетдан субсидиялаш таклиф этилган;

қишлоқ хўжалигида экинларни суғурталаш бўйича жавобгарликни экинни экишдан тортиб, то етказиб бериш, қайта ишлашгача бўлган даврга суғурталашни амалга оширувчи суғурта маҳсулотини жорий этиш таклиф этилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда хорижга экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталашнинг «мажбурий аннуитет суғуртаси» шаклини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

қишлоқ хўжалиги суғуртасида «универсал суғурта полислари»ни қўллаш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

рискларни ҳудудий белгилари, келиб чиқиш манбалари ва индивидуал хусусиятлари бўйича таснифлаш амалга оширилган ҳамда уларни баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган;

иқтисодиёт фанида қишлоқ хўжалиги суғуртасининг генезисига аниқлик киритиш ва қишлоқ хўжалиги суғуртаси тўғрисидаги тушунча

кенгайтириш, ташкилий ҳамда молиявий хусусиятларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги суғуртасида суғурта ҳимоясини амалга оширишнинг молиявий механизми ҳисобидан ушбу суғурта хизматларидан фойдаланувчиларнинг тўплаган маблағларини жамғарма учун трансформация қилишда амал қилиш талаб этиладиган принциплар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги суғуртасини оммавийлаштириш ва ривожлантириш учун кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда кенг ва самарали қўлланилаётган усулларни жорий этиш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўлланилган дастлабки маълумотларнинг ишончлилиги хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий база сифатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтларида эълон қилинган маълумотлар, мамлакат ва хорижий олимларнинг эксперт баҳолари ва ишланмалари; халқаро ташкилотларнинг нашр этилган расмий маълумотлари, суғурта компаниялари расмий сайтларининг маълумотлари ҳамда ҳисоботлари, Интернет тармоғида тақдим этилган маълумотлар, шунингдек, изланувчининг ўзи томонидан амалга оширилган тадқиқот маълумотларидан ташкил топганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ушбу натижалар мамлакат қишлоқ хўжалиги суғуртасининг назарий ва методологик асосларини такомиллаштиришда фойдаланилиши, бу ўз ўрнида қишлоқ хўжалиги корхоналарини самарали суғурта ҳимояси билан тўлиқ қамраб олишга ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, уларнинг республика суғурта бозорида фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги суғуртасига ихтисослашган суғурта компанияларининг ўз фаолиятини кенгайтиришда потенциал суғурталанувчиларни жалб қилишга қаратилган комплекс чоратadbирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, қишлоқ хўжалиги суғуртасига ихтисослашган суғурта компанияларида қишлоқ хўжалиги суғуртаси маҳсулотларига бўлган талабни ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлажак ҳосилини суғурталаш шартномалари бўйича суғурта мукофотларининг бир қисмини бюджетдан субсидиялаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш

тўғрисида»ги 505-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 19 ноябрдаги ND-84285878-сон маълумотномаси). Натижада, давлат бюджетидан пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлажак ҳосилини суғурталаш шартномалари бўйича 7,1 млрд. сўм субсидия ажратилган;

қишлоқ хўжалигида экинларни суғурталаш бўйича жавобгарликни экинни экишдан тортиб, то етказиб бериш, қайта ишлашгача бўлган даврга суғурталашни амалга оширувчи суғурта маҳсулотини жорий этиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 505-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 19 ноябрдаги ND-84285878-сон маълумотномаси). Натижада, суғурта хизматлари бозорида суғурта компаниялари томонидан 5,3 мингта суғурта шартномалари тузилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда хорижга экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини суғурталашнинг «мажбурий аннуитет суғуртаси» шаклини жорий этиш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 505-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган «Ўзагросуғурта» АЖнинг 2021 йил 5 мартдаги 125/Ж-сон баённомаси билан амалиётга жорий қилинган («Ўзагросуғурта» АЖнинг 2021 йил 15 октябрдаги 02/10-сон маълумотномаси). Натижада суғурталовчи ва суғурталанувчи учун ҳар жиҳатдан қулай суғурталаш шарт-шароитлари яратилиб, экспорт шартномаларини суғурталаш бўйича 2021 йилнинг 9 ойи давомида тузилган суғурта шартномалари сони 2020 йилнинг 9 ойи давомида тузилган суғурта шартномаларига нисбатан 240 тага ошган;

суғуртага қабул қилинадиган рискларни ҳудудий белгилари, келиб чиқиш манбалари ва индивидуал хусусиятлари асосида таснифлаш ва баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалиги суғуртасида «универсал суғурта полислари»ни қўллаш таклифи «Ўзагросуғурта» АЖнинг 2021 йил 5 мартдаги 125/Ж-сон баённомаси билан амалиётга жорий қилинган («Ўзагросуғурта» АЖнинг 2021 йил 15 октябрдаги 02/10-сон маълумотномаси). Натижада 2020 йилнинг 9 ойи давомида тузилган суғурта шартномаларининг зарарлилик даражаси 2019 йилнинг 9 ойлиги давомида тузилган суғурта шартномаларининг зарарлилик даражасига нисбатан 10 фоиз камайишига эришилган. Бунинг натижасида иқтисод қилинган суғурта қопламалари ҳажми 250 млн. сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 7 та халқаро, 6 та республика

миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 1 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда мақолалар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 138 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қишлоқ хўжалиги суғуртасининг назарий асослари**» деб номланган бўлиб, ушбу бобда мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин эгаллаши, ушбу хулоса яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 28,1 фоизи (2019 йил натижалари бўйича) қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келаётгани ва шу билан бирга, аҳолининг катта қисми шу соҳада фаолият кўрсатаётганлиги билан асосланган. Ўз ўрнида қишлоқ хўжалигининг табиат ҳодисалари ва бошқа стихияли ҳодисаларга кўпроқ боғлиқлиги суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжни ошириши таъкидланган.

Республикамиздаги мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда хатарларни бошқаришдаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ҳамда уларнинг ижобий жиҳатларидан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ортишига, маҳсулот етиштириш ҳажмини янада кўпайтириш имкониятларининг ошишига олиб келади.

Фан ва технология тараққиётининг айна пайтдаги юксак даражасига қарамай, дунёдаги кўплаб давлатлар аграр тармоқдаги қишлоқ хўжалик экинларига жиддий талафот етказувчи табиий-иқлим ва иқтисодий мазмундаги хатарларнинг кучайиши билан боғлиқ муаммоларга тез-тез дуч келмоқдалар ҳамда бу каби муаммолар тобора глобал характерга эга бўлиб бормоқда. Айна пайтда, ушбу масаланинг халқаро амалиёт тажрибаси таҳлили қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши узлуксизлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда хатарларни бошқаришнинг энг самарали усули суғурта эканлигини кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалик тармоғида суғурта амалиётини ривожлантиришнинг зарурияти қуйидагиларда ўз аксини топади:

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўзига хос иқтисодий фаолият тури сифатида юқори даражадаги хатарлар билан боғлиқ эканлиги;

аксарият ҳолларда қишлоқ хўжалик корхоналарининг табиий офатлар ёки ишлаб чиқаришдан кўрган зарарларни мустақил қоплай олмасликлари;

суғурта ҳимоясининг салбий ҳодисалар билан боғлиқ йўқотишларни қоплаш ҳамда аграр тармоқнинг барқарор ривожланиш суръатларини таъминлаш кафолати сифатида хизмат қилиши.

Қишлоқ хўжалигидаги мавжуд хатарларни суғурталаш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини суғурта хизматларига мумкин қадар кўпроқ жалб қилиш учун ушбу соҳани илмий жиҳатдан ўрганиш ва ушбу илмий хулосаларга таянган ҳолда мазкур соҳани суғурталашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон хавфли деҳқончилик зонасида жойлашган. Табиий сув ҳавзалари ва ёгингарчиликнинг камлиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисмини етиштиришда қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун сунъий суғориш тизимларидан фойдаланишга мажбур. Шу туфайли, суғориш учун сувнинг етишмаслиги ҳолати юзага келганда ёки экинларни етиштириш бўйича агротехник ишлар ўз вақтида олиб борилмаганда, кам ҳосил олиш хавфи ортади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етакчи экспортчилари ҳисобланган хорижий мамлакатларда (АҚШ, Канада ва Европа Иттифоқининг бир қатор мамлакатлари) тўпланган суғурта тажрибаси аграр секторнинг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигини суғурталашнинг роли юқори эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, бундай мамлакатларда давлат томонидан суғурта мукофотларининг бир қисмини субсидиялаш орқали қишлоқ хўжалиги суғурта инфратузилмаси қўллаб-қувватланади.

Қишлоқ хўжалигида икки тоифадаги рисклар мавжуд: олдини олиш мумкин бўлган рисклар ва ҳар қандай ҳаракатлардан қатъий назар пайдо бўладиган рисклар. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари айрим турдаги рискларга мустақил равишда самарали қарши тура оладилар. Масалан, мослашувчан қишлоқ хўжалиги технологияси об-ҳавонинг баъзи ноқулай ҳодисаларининг салбий оқибатларини камайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш (бир вақтнинг ўзида турли хил экинларни етиштириш, ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни комбинациялаш) айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган йўқотишларни камайтиришга, ветеринария тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш чорва молларининг нобуд бўлишини камайтиришга ёрдам беради ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалиги рискларининг катта қисми объектив хусусиятга эга бўлиб (табиий офатлар, об-ҳавонинг тўсатдан ўзгариши, жаҳон бозорларидаги ноқулай ўзгаришлар билан боғлиқ хатарлар), уларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ўзлари томонидан, суғурта компаниялари ва давлат томонидан тўғридан-тўғри назорат қилишнинг

имкони йўқ. Бундай ҳолларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш улар фаолиятига салбий омилларнинг таъсирини камайтириш механизмларини яратишга қаратилади. Ушбу омилларнинг олдини олишнинг деярли имкони йўқ.

Қишлоқ хўжалигида таваккалчиликларнинг асосий турлари куйидагилардан иборат:

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган рисклар;

тупроқ унумдорлигининг пасайиши ва ишлов берилган майдонларнинг ўзгариши;

табiiй ва иқлим билан боғлиқ рисклар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархларининг ўзгариши;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро бозорларда рақобатдошлигининг пасайиши;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ночорлиги;

фермерларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг етарли даражада эмаслиги;

асосий воситалар, қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланишнинг етарли эмаслиги.

Хатарлар ва уларнинг қишлоқ хўжалигидаги таснифи, кўпинча, рисклар натижаларининг ноаниқлиги ва бунинг натижасида бошқарув қарорини қабул қилишнинг номақбул оқибатларга олиб келиши эҳтимоли сифатида талқин этилади. Бироқ хавфдан ҳар доим ҳам қўрқиш керак эмас. Бизнесда фойда, кўпинча, хавф учун мукофот сифатида талқин этилади ва бу бежизга эмас. Шунинг учун муаммо хавфнинг мавжудлигида эмас, балки хавфни қандай қилиб самарали бошқаришда, инсоннинг салбий оқибатларга қарши тура олиш қобилиятида.

Қишлоқ хўжалиги хатарларининг юзага келиш хусусиятларини куйидагича таснифлаш мумкин:

табiiй ва иқлим билан боғлиқ хатарлар: ёнғинлар, ёмғирлар, бўронлар, тошқинлар, қурғоқчилик ва бошқалар;

геологик: вулқон отилиши, zilзилалар ва бошқалар;

санитария йўналишида (биологик): касалликлар ва эпидемиялар;

молиявий: инфляция, инвестицион, ва бошқалар;

оммавий хатарлар: иш ташлашлар, митинглар, қўзғолонлар, урушлар ва бошқалар;

меҳнат соҳасида: иш вақтини йўқотиш, меҳнат ресурсларининг малакаси билан боғлиқ муаммолар ва бошқалар;

бозор ва нархлар: таъминот ва сотиш;

ахборот йўналишида: маълумотнинг етишмаслиги, ишончсиз маълумотлар ва ҳоказолар;

технология ва ускуналарнинг эскириши;

таъсир кучи бўйича: хавфли зона, ҳалокатли ва ҳоказо.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, бугунги кунда экинларни суғурталаш дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатда амалга оширилади. Бундан

ташқари, 50 дан ортиқ мамлакатда қишлоқ хўжалигини суғурталаш дастурларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мавжуд.

Рискнинг яна бир манбаи – айниқса, деҳқон хўжаликларида учрайдиган риск – бу инсон омили билан боғлиқ рисклар ҳисобланади. Оилавий кризислар, дея эътироф этиладиган, яъни ферма ёки фермер хўжалиги эгасининг вафот этиши мазкур корхонанинг молиявий ҳолатига жиддий зарар етказиши мумкин. Қишлоқ хўжалик техникалари ва чорва молларига нисбатан бепарволик натижасида юзага келадиган зарарлар ҳам инсон омили билан боғлиқ рисклар категориясига киритилади. Ишлаб чиқариш, баҳо, институционал ва инсон омили билан боғлиқ рискларнинг ялпи таъсирини битта термин билан - бизнес-риск деб аташ мумкин.

Корхонани молиялаштириш усули билан боғлиқ рискларни молиявий рисклар гуруҳига киритиш тўғри бўлади. Худудий қамраб олиш масштабига кўра, рискларни классификациялаш ушбу рисклар юз бериш эҳтимоллигини камайтиришда муҳим ўрин тутди. Мазкур масалада рискларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

бир табиий-иктисодий ҳудудда жойлашган барча хўжаликлар ёки уларнинг катта қисмига зарар етказувчи рисклар гуруҳи. Бундай рисклар худудий масштабдаги табиий рисклар (масалан, бирданига бир нечта худудларни қамраб олувчи қурғоқчилик), баҳо rischi ҳамда кўпчиликка маълум бўлган институционал хусусиятга эга рисклардир. Бундай рисклар тизимли ёки диверсификацияланмайдиган рисклар деб аташ тўғри бўлади;

бошқа қишлоқ хўжалик тузилмалари рискларига боғлиқ бўлмаган, хўжалик юритишнинг индивидуал шарт-шароитларига эга бўлган алоҳида корхоналарга хос рисклар. Бундай рисклар гуруҳига маҳаллий ноқулай об-ҳаво шароитларини киритиш мумкин, масалан, совуқ уриши ёки дўл уриши, ўсимликлар ва молларнинг турли касалликларга чалиниши ҳамда молиявий ва инсон омили билан боғлиқ рисклар. Бундай рисклар шу йўналишдаги адабиётларда идиосинкрatik рисклар деб аталган.

Нархларнинг ўзгариши билан боғлиқ хавфни кейинги давр нархининг олдинги давр нархига нисбати сифатида ҳисобланган нисбий ўзгариш кўрсаткичи асосида баҳолаш қулай (Фри / Фри-1). Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган даврда инфляцияни нисбатан бир текисда ўсиши шарти билан тузатиш киритишга ҳожат йўқолади. Бундан ташқари, бу турли хил маҳсулотлар нархларининг ўзгаришини таққослаш имконини беради, чунки бу кўрсаткич нисбий ҳисобланади (нархлар бир-бирига бўлиб таққосланганда, уларнинг пулдаги ифодаси йўқолади).

Қишлоқ хўжалигини юритишнинг тарихий жараёнида фан ва амалиёт рискни бошқаришнинг кўп сондаги турли-туман усулларини кашф қилди. Бу усулларни 2 та асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

иктисодиётнинг турли субъектлари ўртасидаги рисклар трансфери ва ўзаро тақсимлаш стратегияси;

корхона рискларини камайтириш бўйича стратегиялар. Рисклар трансфери ва ўзаро тақсимлаш стратегияларига қуйидагилар киради:

вертикал интеграция; контакт қилиш асосидаги ишлаб чиқариш; фьючерс ва опцион бозорларда хеджерлаш; кредитлаш; суғурталаш.

Корхона рискларини бошқариш инструментларининг ўзаро фарқи шундаки, улар хўжаликлар томонидан мустақил қўлланиши мумкин, шу билан бирга, рисклар трансфери ва тақсимоли инструменти сифатида экинларни суғурталаш усулини танлаш ҳар жиҳатдан қулай ҳисобланади.

Сўнгги ўн йилликда вертикал интеграция Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида кенг оммалашди. Агросаноат мажмуаси корхоналарини ўзида бирлаштирган қишлоқ хўжалик кластерларининг шаклланиши қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноати корхоналарида нарх-наво хатарлари билан боғлиқ айрим муаммоларни бартараф этишга имкон беради, шунингдек, таркибига кирадиган корхоналарнинг молиявий хатарларини камайтиради.

Фермер хўжалиги эгасининг ўлими ёки ажралиш каби оилавий инқирозлар ҳам хўжаликнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги техникаси ва ҳайвонлар билан ишлашдаги бепарволик ҳам инсон омили билан боғлиқ хавф деб таснифланади. Ишлаб чиқариш, нарх, институционал ва инсон омили хатарларининг кумулятив таъсири бизнес таваккалчилигининг умумий атамаси билан белгиланади.

Юқоридаги хатар турларини битта гуруҳга ажратиш имконияти қуйидаги мулоҳазалар билан белгиланади: қандай молиялаштирилишидан қатъи назар, барча корхоналар уларга дуч келишади. Тадбиркорлик таваккалчилиги бу иқтисодиётнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир қиладиган барча ноаниқликларнинг умумий тавсифи ҳисобланади. Бу корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларига таъсир қилади, масалан, маҳсулот таннархи, сотиш ҳажми, фойда, пул оқими ва бошқалар.

Кредиторлик қарзи бўлмаган корхонани, айниқса, мавсумий ишлаб чиқариш хос бўлган қишлоқ хўжалигида камдан-кам учратиш мумкин. Корхона фаолиятини молиялаштиришда қарз маблағларининг улуши қанча кўп бўлса ва тадбиркорликнинг йўқолиш хавфи юқори бўлган тақдирда, банкротлик эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Аксинча, хусусий капиталнинг улуши корхона иқтисодиётининг умумий капиталида қанчалик юқори бўлса, банкротлик эҳтимоли шунчалик паст бўлади. Бундан ташқари, кредитлар бўйича фоиз ставкасининг тўсатдан ўзгариши, шунингдек, зарур пайтда молиявий ресурсларнинг бўлмаслиги ёки етишмаслиги каби хавфли вазиятларнинг пайдо бўлиши эҳтимолини истисно қилиб бўлмайди.

Шундай қилиб, корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини молиялаштириш усули ҳам иқтисодий таваккалчиликка асосланади. Корхонани молиялаштириш усули билан боғлиқ бўлган хатарлар молиявий хатарлар деб таснифланиши керак.

Хўжаликнинг рискларни бошқариш бўйича у ёки бу усулни танлашида ушбу бошқариш усуллариининг қиймати, баҳоси, уларнинг ишончилиги ва ривожланганлик (тарқалганлик) даражаси муҳим роль ўйнайди.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси учун яна бир муҳим омил, таваккалчиликнинг у ёки бу ҳодисасининг юз бериш частотасидир. Масалан,

бошоқли дон экинларининг яққол сабабларсиз яхши унмай қолиш ҳолати цикли ўртача 4-5 йилни ташкил этса, бутунлай нобуд бўлиш ҳолатлари ҳар 20-30 йилда такрорланиб туриши мумкин¹³. Лекин, афсуски, ҳеч қандай кузатув ёки изланишлар бундай ҳодиса юз беришининг аниқ вақтини олдиндан аниқлаш имконини бермайди.

Ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги суғуртасидан фойдаланишига туртки бўлувчи сўнгги омиллардан бири, аниқ бир хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг тушиб кетиши ёки кўзланган даромадининг буткул йўқолишига сабаб бўлувчи ҳолатлардир. Бундай ҳолатлар бўйича суғурта қопламасининг даражаси 65-70 фоиз бўлиши оптимал даража эканлигини ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқда.¹⁴

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси ва умуман, суғурта соҳасида катта тажрибага эга бўлган, дунё миқёсида энг катта ҳажмдаги суғурта хизматларини кўрсатаётган, миллий суғурта бозори дунёдаги энг йирик халқаро суғурта бозори даражасига кўтарилган АҚШ суғурта бозори тажрибаларини ўрганиш ва унинг мос жиҳатларини Ўзбекистон миллий суғурта бозорига татбиқ этиш ҳар жиҳатдан тўғри бўлади, деб ҳисоблаймиз.

АҚШда экинларни ва даромадни суғурталаш бўйича асосий давлат дастурлари сифатида: «Табиий офатлардан химоя қилиш дастури», «Ҳосилни суғурталашнинг мултириск дастури», «Гуруҳ режа Дастури», «Даромадни химоялаш Дастури»ни қайд этиш лозим. Табиий офатлар ва хавф-хатарлар юз берган ҳолатда Дастур бўйича йўқотилган ҳосилнинг (10 йил давомидаги экин ҳосилдорлигини ҳисоблаш асосида) 50%и ва нархлар ўзгариши ҳисобига кўрилган зарарнинг 55% и қопланади.

Мазкур мамлакатда 2017 йилда 551 та суғурта дастурлари жорий этилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқишда фермер хўжаликлари деярли барча турдаги хавф-хатарлардан тўлиқ суғурта қилиш имконини берувчи 123 та турдаги объектлар (қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва ҳайвонлари) учун суғурта дастурлари жорий этилган¹⁵. Фермер хўжаликлари учун жорий этилган асосий агросуғурта дастурлари қуйидаги йўналишларда шакллантирилган:

- алоҳида хатарлардан индивидуал тарзда суғурталаш;
- кўплаб турдаги хатарлардан суғурталаш;
- ҳудудий ҳосилдорлик индекси бўйича суғурталаш;
- об-ҳаво индекси бўйича суғурталаш;
- фермер хўжаликлари даромадларини суғурталаш.

Давлат фермер хўжаликлари томонидан суғурта полисини сотиб олишда бевосита ёрдам кўрсатади. Фермер хўжаликлари суғурта полисининг, кўпи билан, 40 фоизини тўлайдилар, қолган қисми эса, давлат томонидан субсидияланади. АҚШда MPSI (Multi-Peril Srop Insurance) қишлоқ хўжалиги

¹³ www.agroinsurance.com сайти маълумотлари

¹⁴ www.agroinsurance.com сайти маълумотлари.

¹⁵ Кадомцева М.Е. Зарубежный опыт управления инновационным развитием агропродовольственного комплекса на примере США и Канады / М.Е. Кадомцева // Региональные агросистемы: экономика и социология. Ежегодник [Электронный ресурс]. – Саратов, ИАГППАН. – 2010. № 1. URL: <http://www.iagpran.ru>.

экинларини суғурталаш дастури қишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқариш ва суғурталаш тизимининг асоси ҳисобланади.

1-жадвал

АҚШда қишлоқ хўжалигини суғурталашда давлат-хусусий шерикчилиги моделларининг хусусиятлари¹⁶

Моделлар мазмуни	Моделларнинг афзалликлари	Моделларнинг камчиликлари
Давлат ва хусусий сектор ўртасида максимал даражадаги самарали муносабатларнинг ўрнатилиши	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини суғурталашда давлатнинг фаол иштироки; суғурта мукофотини тўлаш учун давлат томонидан субсидиялар бериш орқали суғурта қийматини пасайтириш; хусусий суғурта компанияларини аграр соҳага суғурта хизматларини таклиф этишдаги фаол иштироки; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг турли хатарлардан юқори даражада ҳимояланиши; қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва суғурта компаниялари ўртасида шаффоф муносабатларнинг ўрнатилиши; суғурта маҳсулотларини такомиллаштириш орқали агросуғуртанинг узлуксиз ривожланиши.	Давлат бошқарув харажатлари юқорилиги; суғурта компаниялари даромадларининг чекланганлиги.

2-жадвал маълумотлари бўйича асосий эътиборни суғурта мукофотларида субсидиялар ҳиссасига ва суғурта мукофотларига нисбатан тўланган суғурта қопламалари даражасига қаратиш керак деб ҳисоблаймиз. Субсидиялар улуши олинган беш йил оралиғида ўртача 62,3 фоизни ташкил этган.

2-жадвал

АҚШда қишлоқ хўжалигини суғурталашда давлат субсидиясининг улуши¹⁷

Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Суғурта мукофотлари (млрд.\$)	10,07	11,12	11,81	10,07	9,90	10,13	10,07
Бюджетдан субсидиялар (млрд.\$)	6,21	6,98	7,30	6,35	6,27	6,37	6,32
Суғурта мукофотларида субсидиялар ҳиссаси	61,67	62,77	61,81	63,05	63,33	62,88	62,76
Суғурта қопламалари (млрд.\$)	9,13	17,45	12,08	5,43	7,32	10,61	8,68
Суғурта қопламалари даражаси, %	90,67	156,92	102,29	54,00	73,93	104,74	86,20

¹⁶ Боймирзаев Д.Н. Қишлоқ хўжалигида хатарларни суғурталашда хорижий мамлакатлар тажрибаси. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019.

¹⁷ Summary of Business Reports and Data / Risk Management Agency (<https://www.rma.usda.gov/data/sob.html>).

Демак, фермер хўжаликлари рискларини суғурталаш учун суғурта компанияларига тўланган суғурта мукофотларининг асосий қисми давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Тўланган суғурта қопламалари кескин ўзгарувчан бўлиб, олинган етти йилда ўртача 95,53 фоизни ташкил этган. Субсидиялар қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғуртага жалб қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ушбу жадвал орқали кузатиш мумкин, чунки ажратилган субсидиялар камайиши баробарида, тўпланган суғурта мукофотлари ҳам камайиб борган, ушбу ҳолат суғурталанувчилар сонининг камайиши туфайли юз берган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги суғуртасининг ҳозирги ҳолатининг таҳлили» деб номланган бўлиб, ушбу бобда мамлакат иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги соҳасида суғурта хизматининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган бўлиб шу ўринда:

«Ўзагросуғурта» АЖ суғурта портфелида қишлоқ хўжалиги суғуртаси 31,6 фоизни ташкил этган (3-жадвал). Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини суғурталашга ихтисослашган ягона суғурта компанияси учун бу кичик кўрсаткич ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалиги мамлакатда ишлаб чиқарилаётган япи ички маҳсулотнинг 28,1 фоизини¹⁸ (2019 йилда) ташкил этган бир пайтда, мамлакат суғурта бозорида тўпланган жами суғурта мукофотларининг 4 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келган. Ушбу ҳолат шундан далолат берадики, фермер ва деҳқон хўжаликларининг катта қисми суғурта ҳимоясига олинмаган.

3-жадвал

«Ўзагросуғурта» АЖнинг 2015-2020 йиллардаги қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича кўрсаткичлари¹⁹

Кўрсаткичлар	2020 йилда жами	Қ/х суғуртаси ҳиссаси, %	Қишлоқ хўжалиги суғуртаси				
			2015 й.	2016 й.	2017 й.	2019 й.	2020 й.
Суғурта мукофотлари (млн. сўм)	178203	31,6	18863	45609	37314	91095	56395
Суғурта товонлари (млн.сўм)	91392	48,6	7777	15441	73864	64434	44409
Суғурта жавобгарлиги (млрд.сўм)	74265	1,91	1350	1917	1932	2229	1416
Тузилган суғурта шартномалари (минг дона)	1492	0,73	33,96	58	53,7	36,8	10,9

4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги суғуртасининг ҳажми камайиш тенденциясига эга, суғурта турлари кам ва шу билан бирга, таклиф этилаётган суғурта турлари бўйича битта ҳам суғурта шартномаси тузилмаган ҳолатлар кўпайиб бормоқда. Ушбу ҳолатлар

¹⁸ Stat.uz сайти маълумоти.

¹⁹ Жадвал «Ўзагросуғурта» АЖнинг Agros.UZ сайти маълумотлари асосида тузилган.

мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини суғурталаш борасида илмий асосланган жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

4-жадвал

«Ўзагросуғурта» акционерлик суғурта компаниясининг суғурта турлари бўйича тузган суғурта шартномалари²⁰

Суғурта турлари	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2019 й.	2020 й.
1. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги суғуртаси, шу жумладан:	18868	37701	39178	36842	10853
1.1. Пахта ҳосилдорлиги суғуртаси	14256	24978	21440	7842	4586
1.2. Буғдой ҳосилдорлиги суғуртаси	4582	12654	17598	28470	6113
1.3. Пахтани қайта экилиши суғуртаси	2	11	4	-	4
1.4. Бошқа экинлар ҳосилдорлиги суғуртаси	28	58	136	26	21
1.5. Чорва моллари суғуртаси	-	-	-	118	-
1.6. Асосий воситалар суғуртаси	-	-	-	386	129
2. Фермерларга берилган имтиёзли кредитларни қайтмаслигидан суғурталаш	6836	14456	10141	-	-
3. Қишлоқ хўжалиги техникалари суғуртаси	914	395	644	-	-
4. Қишлоқ хўжалиги корхоналари мулкӣ суғуртаси	7342	5496	3695	-	-

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалигини узлуксиз ривожланиши билан боғлиқ содир бўлиши мумкин бўлган турли молиявий ва табиий йўқотишлардан суғурталаш бўйича амалий ишларнинг асоси сифатида қуйидагиларни таклиф этамиз:

қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталашнинг маъмурий усуллари рақамли суғурталаш усулларига ўтиш;

қишлоқ хўжалигида табиий хавф-хатарларни идентификациялаш асосида соҳага инновацион ютуқларни (масофавий хизмат кўрсатишни) жорий қилиш;

аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида янги турдаги ихтиёрий суғурта турларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини суғурталашда фақатгина ҳосилни олишда жавобгарлик мавжуд бўлиб, бу жараёни экишдан тортиб, то етказиб бериш, қайта ишлашга бўлган давргача суғурталаш жавобгарлигини амалга ошириш лозим;

қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталашга сарфланадиган харажатларни қоплашда давлат субсидиялаш механизмини жорий этиш;

²⁰ «Ўзагросуғурта» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш фаолиятида суғурта агентлари иш самарадорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталашда индекс суғурталаш механизмини такомиллаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қишлоқ хўжалиги суғуртасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорининг 7 та пункти қишлоқ хўжалиги суғуртасини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш ва ривожланишини таъминлашга қаратилганлигида кўриш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июнда қабул қилинган 505-сонли «Пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарорида «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчи тадбиркорлик субъектларига пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштириш учун бериладиган имтиёзли кредитларнинг 4 фоизи миқдоридида суғурта харажатларига ажратиш бўйича ҳар йили:

бошоқли дон экинлари ҳосили учун -1 февралгача;

пахта ҳосили учун -1 июнгача бўлган муддатларда суғурта

шартномаларини расмийлаштириш тартиби белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қарорда пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш бўйича расмийлаштирилган суғурта шартномаларига асосан тўланиши лозим бўлган суғурта товонлари, пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчи хўжалик субъектларидан тушган жами суғурта мукофотларининг 80 фоизгача бўлган қисми «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан қопланиши, суғурта товонларининг қолган қисми Молия вазирлиги томонидан «Ўзагросуғурта» АЖ га ажратиладиган бюджет субсидияси орқали қопланиши назарда тутилган.

Амалда, ушбу механизм қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг тўлиқ суғурта ҳимоясини бермайди ва бу борада бир қатор муаммоларнинг сақланиб қолишига олиб келади. Чунки юқоридаги қарорда фақат давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинлари етиштирувчилар қамраб олинган. Боғ ва узумзорлар, сабзаёт, полиз экинлари ҳосилини суғурталаш йўналишларида эса, бундай механизм мавжуд эмас. 2021 йилдан бошлаб, бошоқли дон экинлари учун ҳам давлат буюртмаси бекор қилинганлиги мавжуд муаммони янада кенгайтирди.

Ушбу қарорнинг 2 - бандига кўра, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан суғурта шартномалари тузиш биргина «Ўзагросуғурта» АЖ суғурта компаниясига юклатилган. Бу билан, амалдаги «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун талабларининг бузилишига олиб келувчи ҳолат юзага келганлигини таъкидлаш мумкин. Ушбу Қонуннинг 24-моддасида: «Суғурта бозоридида рақобатни чеклаш ёки бартараф этишга, бир суғурталовчиларга бошқаларига қараганда асоссиз афзалликлар берилишига ёки олинишига, суғурта қилдирувчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний

манфаатлари камситилишига қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди”, деб белгилаб қўйилган.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур қарорга қуйидагича ўзгартиришлар киритишни таклиф этамиз: мазкур суғуртани умумий суғурта фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган барча суғурта компаниялари амалга ошириши мумкинлигини белгилаб қўйиш ҳамда имтиёзли кредит олмаган хўжалик субъектига суғурта мукофотини тўлаш учун имтиёзли кредит ажратишни белгилаш.

Хорижий мамлакатлар амалиётида суғурта мукофотларининг бир қисмини (50 фоизгача) тўлаш учун фермер хўжаликларига давлатдан субсидия маблағлари ажратилиши ўзининг юқори самарасини бериб келмоқда. Ушбу восита орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурта хизматларига 90-95 фоиз даражада жалб этишга эришилмоқда.

Субсидия маблағларини қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга суғурта мукофотларининг бир қисмини тўлаш учун ажратиш механизми амалдаги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июнда қабул қилинган 505-сонли қарорида кўзда тутилган суғурта товонлари учун субсидия маблағлари ажратилишига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Жумладан:

субсидия маблағлари тўғридан тўғри фермер хўжаликларига суғурта мукофотлари тўлаш учун ажратилади;

суғурта қамрови даражаси ошиши натижасида суғурта компанияларида зарарларни қоплаш учун етарли даражада захира маблағлари шаклланади.

Хорижий тажрибалар асосида Ўзбекистон фермер хўжаликлари фаолиятидаги хатарларни бошқаришда давлатнинг иштироки борасида қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

фермер хўжаликлари фаолиятидаги турли хил хатарларни қамраб оладиган суғурта хизматларининг турларини кенгайтириш ва такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигини суғурталашда турли мулк шаклидаги суғурта компанияларини агросуғурта бозорига жалб этиш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш;

хусусий мулк шаклидаги суғурта компаниялари томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги хатарларни суғурталаш бўйича суғурта хизматлари таклифини давлат томонидан рағбатлантириб бориш;

кўп тармоқли фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятидаги хатарларни суғурталашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигидаги хатарларни бошқаришда агросуғурта билан чегараланиб қолмасдан, тармоқ бошқарувининг барча даражаларида хатарларни бошқариш механизминини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги суғурта ҳодисаларини экспертиза қилиш ва зарарларни аниқлашда Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази иштирокини таъминлаш, қишлоқ хўжалик хатарларини объектив баҳолаш имконини берувчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигини суғурталаш соҳасида давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада кенгайтириш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги

асосида қишлоқ хўжалик хатарларини суғурталашнинг самарали моделларини ривожланириш;

суғурта ҳодисаси содир бўлмаган тақдирда, суғурта даъвосини кўриб чиқиш амалиётини соддалаштириш ва шаффофлигини таъминлаш;

суғурта ҳодисаси рўй бермаган ҳолларда суғурта мукофотларининг бир қисмини суғурталанувчига қайтариш амалиётини жорий этиш;

фермерлар ва деҳқон хўжаликлари ўртасида нотижорат шаклидаги ўзаро суғурталаш жамиятлари ташкил этишни давлат томонидан рағбатлантириш.

Тижоратга асосланган суғурта ташкилотлари таклиф этадиган суғурта тарифлари бирмунча юқори бўлиши, табиий ҳол. Чунки тижорат суғурта ташкилоти фойда олишни мақсад қилиб қўяди. Бундан ташқари, тижоратга асосланган суғурта ташкилотларида ташкилий харажатлар ҳам юқори бўлади. Бу борада қишлоқ хўжалиги суғуртасини амалга оширишга ихтисослашган Ўзаро суғурталаш жамиятларини ташкил этиш ҳар жиҳатдан қулай эканлигини чет мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқда.

